

# FUNDAMENTAL TADQIQOTLAR JURNALI

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

**ШАРИПОВ Дилшод Бахшиллович**  
 Бухоро давлат педагогика институтини  
 “Ижтимоий фанлар” кафедраси  
 катта ўқитувчиси  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14897998>

## МОНТЕСКЪЁНИНГ ТИНЧЛИК МАКСИМАЛАРИ

### АННОТАЦИЯ

Ушбу кичик тадқиқот ишида Шарл Луи де Секонда Монтеस्कёё фалсафий тизимида тақдим этилган ғоялар, қарашлар, фикрлар ва уқтирмалар асосида унинг тинчликка оид фикрларини ажратиб олишди. Ваҳоланки, Ш.Л.Монтеस्कёё, “Уйғониш даври”нинг бошқа кўпгина файласуфлари сингари алоҳида (асар тарзидаги) “Тинчлик лойиҳаси”ни тақдим этгани йўқ. Аммо бу дегани Ш.Л.Монтеस्कёёнинг тинчликка оид қарашлари мавжуд эмас, дегани эмас.

Шу сабабли ҳам, муаллиф, тинчлик лойиҳалари ичидаги энг сараси – Иммануэл Кант лойиҳаси нуқтаи назаридан, яъни И.Кант ишлаб чиққан тинчлик қонуниятлари – максималари билан қиёсий таҳлил услуби орқали ажратиб олишга ва албатта, бунда муаллифнинг шахсий нуқтаи назарни ҳам тақдим этишга ҳаракат қилинди.

**Калит сўзлар:** қонун, ахлоқ, давлат, сиёсат, ватан, демократия, тенглик, фаровонлик, табиий мудофаа, қўшин, иттифоқчи, тинчлик максимаси.

## MONTESQUIO'S MAXIMS OF PEACE

### ANNOTATION

In this small research work, Charles Louis de Secunda is to extract his thoughts on peace based on the ideas, views, thoughts and ideas presented in Montesquieu's philosophical system. However, S. L. Montesquieu, like many other philosophers of the "Renaissance" period, did not present a separate (in the form of a work) "Project of Peace". But this does not mean that Sh. L. Motesky's views on peace do not exist.

For this reason, the author tried to isolate the best among the peace projects - from the point of view of Immanuel Kant's project, i.e., the laws of peace developed by I. Kant - through the method of comparative analysis and, of course, to present the author's personal point of view.

**Key words:** law, morality, state, politics, homeland, democracy, equality, welfare, natural defense, army, ally, maxim of peace.

## МАКСИМЫ МИРА МОНТЕСКЪЁ

### АННОТАЦИЯ

В этой небольшой исследовательской работе Шарлю Луи де Секунда предстоит извлечь свои мысли о мире, основанные на идеях, взглядах, мыслях и идеях, представленных в философской системе Монтеस्कёе. Однако С. Л. Монтеस्कёе, как и многие другие философы периода «Возрождения», не представил отдельного (в виде труда) «Проекта мира». Но это не значит, что взглядов Ш. Л. Мотеского на мир не существует.

По этой причине автор попытался методом сравнительного анализа выделить лучшее из проектов мира - с точки зрения проекта Иммануила Канта, т.е. законов мира, разработанных И. Кантом, и, конечно же, представить личная точка зрения автора.

**Ключевые слова:** Ключевые слова: право, мораль, государство, политика, Родина, демократия, равенство, благосостояние, естественная защита, армия, союзник, максима мира.

Монтескьё даҳо ижодкор, ўз даврининг бошқаларга ўхшамаган аристократи, шу сабабли ҳам унинг ғоялари, таълимоти сиёсатшунослик, сиёсий мафкуравий таълимотлар тарихи, сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи, ижтимоий антропология ва фалсафа тарихи, хаттоки, иктисодиёт каби кўплаб фанларда ўрганилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Монтескьё фалсафасида И.Кант ва бошқа абадий тинчлик лойиҳалари тақдим этган файласуфлар сингари алоҳида тинчлик максималари – қонуниятлари ажратилмаган. Бироқ тинчликни алоҳида тадқиқ этган файласуф-муаллифлар тақдим этган лойиҳалар позициясидан келиб чиқиб, Монтескьёнинг тинчлик қонуниятларини белгиласак, ҳам илм-фан учун хизмат қилади, ҳамки бу соҳадаги тадқиқот амалга ошади – соҳа учун янгиликка хизмат қилади. Бундан ташқари, Монтескьёнинг тинчликка оид қарашлари ўзи ажратган уч хил давлат шаклларида келиб чиқади, булар – деспотик, монархия ва республика ёки демократияга оид қарашлардир. “Қонунлар ҳукмдорнинг кўзларидир; қонунлар туфайли у қонунларсиз кўра олмайдиган нарсаларни кўради” [1].

Демак, қонунлар ахлоқдан келиб чиқиши керак. “Ўз принципларини йўқотмаган давлатда деярли барча қонунлар яхшидир” [2], дейди Монтескьё.

Монтескьё ғоясини эсланг: деспотияда кўрқув, монархияда шараф, республикада сиёсий фазилат – ёки тенглик, ёки эркинлик ҳамма нарсадир ва ҳамма нарсани белгилайди. Бунда, энди, ахлоққа кенгроқ ўрин берилган. Эпикур “идишдаги суюклик эмас, балки идишнинг ўзи бузилган” [3], деркан. Идиш – бу давлат, чунки қонунни ҳам, қонунлар руҳини ҳам, ёки XX аср сиёсат илми машҳур ибораси, миллий руҳни ҳам, у яратади.

Бу охирги “яратувчи” ҳаргиз ахлоққа, яъни жамият ишлаб чиққан қоидалар, тамойилларга суянади – агарки қонунлар руҳи, ёки миллат руҳи ахлоқдан келиб чиқмаса, у таназзулга маҳкумдир. Бу ҳаргиз фақатгина Республика ёки монархия ғояси бўлиши мумкинки, ҳокимият табиатининг, айтиш мумкинки, барометридир. Монтескьё ёзади: “Агар республика бузилган бўлса, унда пайдо бўладиган ҳар қандай чиркинлик фақат ушбу бузилганликни бартараф қилиш ва тамойилларни тиклаш билангина бартараф этилади” [4].

“Ватанга муҳаббат эса ҳамма нарсани тузатади” [5], дейди Монтескьё. “Ватанга муҳаббат гўзал ахлоқни, гўзал ахлоқ эса Ватанга муҳаббатни юзага келтиради” [6], дейди.

Аслида, “Қонунлар руҳи ҳақида” асарини сиёсатчилар, дипломатлар, парламентарийлар учун дарслик ёки қўлланма, десак ҳам бўлади. Сабаби асардаги ғоялар мазмунан намунали фуқаро ва намунали сиёсатчини, ёки ҳар иккаласини етиштиришга, тарбиялашга, уларнинг онгини очишга ва ватанга беминнат хизмат қилиш ғояларини сингдиришга хизмат қилади – бу, албатта, донишмандликдан ўзга нарса эмас. Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, деспотия ҳукмдори ҳам, ёки замонавий авторитар тузумлар ҳам, ўз фуқаросини сўзда ва ўз сиёсий фаолиятида ватанпарликка чорлаши ва инсонни сиёсий ҳокимият йўлида нарсаси “ишлатиш”, ҳар хил сиёсий таназзулли ёки уруш ҳолатларида эса қурбон қилишгача бориши мумкин.

Немис маърифатпарвари И.Кант ҳам “Абадий тинчликка” номли асарида (ёлланма кўшиндаги) инсонга нарсаси муомала қилишларига қарши чиққанди. Монтескьё эса ватанпарварлик орқали инсонни йўқ қилишни эмас, аксинча, уни замонавий меритократик жамиятларда бўлгани сингари, кашф қилишни истади. Чунки ватанпарварлик “ўзга фуқаролардан кўра кўпроқ улуғ ва муҳим ишлар орқали ватанга хизмат қилиш истагини ҳамда такрорланмас бахт туйғусини вужудга келтиради, бу эса шухратпарастликни чеклайди” [7], дейди ва буни “*демократияда тенгликка бўлган муҳаббат*” дир, деб ёзади.

Шунингдек, Монтеस्कье фикрича, “Ватанга ҳамма ҳам бирдек фойдали бўла олмайди, лекин нима бўлганда ҳам унга фойдали бўлишга интилиш керак. Фуқаролар туғилиши биланоқ Ватан олдида беғараз (адо қилиб бўлмайдиган) қарздордир” [8]. Монтеस्कье коидаси оддий – демократияда республикага муҳаббат – демократияга муҳаббатдир, демократияга муҳаббат эса тенгликка муҳаббатдир [9].

Шунингдек, назаримизда, ватан туйғуси жамиятда умуммўтадилликни юзага келтиради, агарки, давлат демократик тузумга асосланса. Монтеस्कье, “демократияга муҳаббат мўтадилликни севишдир” [10], дейди.

Демак, жамиятдаги турмуш тарзи ва давлат қурилиши ёки бошқаруви соғлом ва тенг коидаларга қурилса, унда фуқаро чиндан ҳам ватанпарвар бўла олади. Чунки бемор бўлган организмга ёки кишига ҳеч нарса ёқмайди, унга фақатгина ўзининг тинчлиги керак, қолган ҳеч кимни эшитмайди ҳам, эшитса ҳамки, амал қилмайди – табиатан малол келади. Беморлик табиатига ҳар қайси янги ғоя, янгилик, инновация зиддир. Давлатнинг беморлик ҳолати шундай ҳолатки, бу кўпроқ сиёсий бошқарувнинг яқка шахс қўлида марказлашуви ва ижтимоий ҳолатнинг кескин ёмонлашуви, жамиятдаги ҳар қайси ислоҳотга оид янги сўз, фикр, ғоя қатағонга учрашини англатади – бундай давлатчилик қурилишида сўзда айтилса ҳамки, амалда ҳаётда либерал ёки демократик ғояларга ўрин йўқ, демократия сиёсий фаолият тури бўлмай қолади – бу кўп ҳолларда тоталитар тузумдан авторитар тузумга ўтиш жараёнларида кузатилади, албатта, бир авлод интеллектуал олам вакиллари синдирилади, туғма етакчи бўлган ёш етакчиларга асло йўл берилмайди, коррупция ёзилмаган коидалар тусига киради, сиёсий ҳокимиятда ҳамма ресурс сотилади, хусусан, мансаб, мартаба, унвон ва бошқ. Бундай ҳолат Собик Иттифоқ ҳудудларида кўп бора кузатилган, буни расмий ОАВ ва сиёсатчилар асарларидан ҳам билса бўлади.

Инсон энг ожиз қолдирилган ҳолат ҳам “сиёсий ҳолат”(давлат)нинг “беморлик ҳолати”дир – аслида бу сиёсий ҳолатдир, чунки давлатнинг ишидир, ўз қобиғидан чиқа олмаслик инқирозидир. Куч ишлатиш одатий воситага айлантирилади – мақсад воситани оқлайди(Макиавелли коидаси устунлик қилади, тоталитар тузумларда бўлгани каби). Аслида бу ҳалиям тоталитар тузумнинг давомидир. Шу сабабли ҳам Монтеस्कье таъкидлайди: “Сурункали касаллик билан заифлашган давлат мазкур касалликнинг дориси билан ҳам заифлашади” [11].

Назаримизда, бундай шароитда чинакам “ўтиш даври” бўлиши керак, ваҳоланки, кўп ҳолларда бу сўз шунчаки сиёсий инструментария тарзида кетади ва цивилизациядан ортда қолишга сабабчи бўлади. Худди шундайки, жамият ёки давлат беморлиги унинг ҳокимияти ва сиёсий ресурслари инқирозидир, уни даволашнинг йўли эса фақат ва фақат умумжаҳон тараққиёт йўлидир – яъни сиёсий қонун билан белгиланган тенглик демократиясидир – (ҳаммага) бир хил демократиядир. Бу нима дегани ? Масалан, ибтидоий уруғ жамоасида уруғ бошлиғи ҳамма қатори оддийгина йўл билан уйланса-ю, бошқа бир ёш етакчига шу йўлни тўсиб қўймасликдир – ҳаммага тенг имконият ато этишдир, бу ҳам ҳамманинг қўлидан келавермайди – чунки ибтидоий уруғ бошлиғининг кибри, тажовузи, зулми, консираган қаҳри биттагина гулдек йигитни синдиришга қодир эмасми, унда унинг ҳокимияти қаерда қолади – А.С.Пушкин эртагида айтилгани каби, “Мен кимман, шоҳми ё гўдак ?”, деб айтганини эслаш кифоядир. Кимки, умумтараққиёт йўлини танламас экан, ўз мавжудлигининг маънисини йўқотиб боради, вужуди бору, руҳи йўқ ҳолатга келади, ҳеч ким сиёсатга ишонмай қўяди, миллат руҳини йўқотиб бўлади.

Бу эса сиёсий, ижтимоий ва айниқса, табиий эҳтиёжлар доирасида тенгликни таъминламаслик, хулқни барча фаолият мезони билмаслик, қонунни ҳаммага бирдек кўрмаслик оқибатидир. Ўз хотини ва оиласини душман қўлидан асрай олмаган Хоразмшоҳ ҳам, Бартольд ёзишмалари исботлашича, Каспий денгиз ичидаги оролчасига Амударё орқали қочиб ўтиб, юрти ва халқини барбод қилгани каби – Чингизхон тиғига ўз юртини тайёр гўшт қилиб санчиб қўйганини эслаш кифоядир – чунки у ўз ўғлига тенгликни (сиёсий ҳокимият доирасида) раво кўрмаганди.

Жалолоддин Мангубердига сираям иложи қолмагач, сўнг шоҳ имкон беради – бу давлат беморлигига типик ва архаик мисолдирки, салоҳияти душман салоҳиятидан устун бўла туриб, тағинам шунча подшоҳлик ақли билан оддий фуқарочалик ватанпарвар эмаслигини кўрсатди.

Стратегик фикр кучларни тўплашни назарда тутарди – Ватан тинчлиги ва равнақи йўлидаги ҳар қайси омил ҳисобга олиними керак эди. Шунда дин, кеч бўлса ҳамки, жамиятга кутқарувчи куч бўлиб кириб келганди, Нажмиддин Кубро ўз туғини баланд кўтариб, душман ичига отилганди, унинг ўлимидан сўнг эса қўлидаги байроқни бармоқларини чопиб ташлаб, олишган, дейишади – демак, сиёсий элита, нафақат ўз оила аъзоларига, балки, ҳар бир оддий фуқарога ҳам тенгликни раво кўриши керак экан, шунда бу халқнинг денгиздек беминнат шовқин-суронли ғайратини (бунёдкорлик ғояларини ва Ватан ҳимояси йўлидаги туйғуни) кўришини мумкин бўлади. Монтескье ёзади: “Тўғри, ҳукмдор қудратининг обрўси давлат кучини ошириши мумкин; лекин *ҳукмдор адолатининг обрўси* ҳам шу натижага олиб келиши мумкин” [12].

Жамиятга тенгликни ато этиш, шубҳасиз, бу уруғ қабила типидagi давлатда ёш йигитга уйланиш ҳуқуқини миннатсиз ато этиш, Чингизхон босқинидан олдин ҳар бир фарзандга ва ҳар бир фуқарога тенг имконият ато этиш, бу оддий халққа бой бўлиш, ҳукмдор оиласида эса ҳокимиятга интилишни табиий, деб қабул қилиш каби мезонларни талаб қиларди. Монтескье монархия юзага келиш сабаблари қуйидагича изоҳлайди: “Демак, монархия давлатини сақлаб қолиш учун ҳашамат дехқондан – ҳунармандга, ҳунарманддан – савдогарга, савдогардан – зодагонларга, зодагонлардан – амалдорларга, амалдорлардан – аёнларга, аёнлардан – давлат даромадларининг асосий ҳиссадорларига, ҳиссадорлардан – ҳукмдорга ўсиб бориши керак; акс ҳолда, ҳамма нарса қулайди” [13].

Албатта, демократия бир кунда яратилмайди – у халқнинг истак ва майлларини рўёбга чиқаришнинг қонуний ифодаси ва ёлғиз тенгликка қурилган тараққиёт йўлидир. Ҳар бир жамият учун инсоният тарихидаги ўта мураккаб ва ўта қийин, анча машаққатли ва эҳтимолдан холи эмаски, таҳликали (бўлган) йўл ҳам айнан умуминсоният тараққиёт йўлини танлашдир. Аслида адолатли бўлган ҳукм ҳам шудир.

Цивилизация эса демократия ва тенглик, эркинлик ва ҳурликдан ўзга нарса эмас, ва бошқа улуғвор ғоя ёки кашфиёт (ни инсоният) яратганича йўқ – ўйлаб топгани йўқ. Бу эса ички ва ташқи алоқаларда барқарорлик, тинчликнинг (абдий) ўзгармас ўзанларидир. Кимки (цивилизациядан) бошқа йўлни танласа, у адашади. Монтескье таъкидлайди: “Бундан ташқари, демократияга муҳаббат – мўътадилликни севишдир. У ерда ҳамма *бир хил фаровонлик* ва *манфаатлардан баҳраманд бўлиши керак* экан, демак, *ҳар бир киши бошқалар каби бир хил ҳузур-ҳаловат* ва *умидларга эга бўла олиши керак*; ва буларнинг барчаси фақат умум мўътадиллиги билан имконлидир” [14].

Монтескье таълимотида жамиятдаги “фарқланишлар тенглик тамойилидан келиб чиқади” [15].

Ҳаттоки, истеъдод ёки хизматдаги муваффақият устунлиги мазкур тенгликка бутунлай барҳам бергандай туюлса ҳам, дейди маърифатпарвар. *Монтескье сиёсат фалсафасида демократия ва ундаги сиёсий-ахлоқий чеклов фақатгина “мўътадилликка бўлган муҳаббат” орқали мумкиндир.* Бу ўзига хос жамият сиёсий тизимининг ички нормасидир. Айни пайтда ғарб оламининг кўпгина ривожланган демократик давлатларда муносабатлардаги “мўътадилликка муҳаббат”нинг йўқлиги ёки мўътадил сиёсат юрита олмаслик ҳолатигача келиши – бу халқаро ва ички сиёсатда икки хил “ўйин (қоидалари)” ёки стандартларни амалга ошириш, масалан, ўзини тинчликпарвар куч сифатида эълон қилиб, лекин жамиятда ҳам, халқаро алоқаларда ҳам сиёсий ҳокимиятни йўқотишдан қўрқиб, ёки сиёсий лидерликни бой бериш хавфи ёки эҳтироси асосидаги “ақл”ларнинг чеклов билмаслиги, ҳар хил гуманитар интервенциялар моделларини ишлаб чиқиб, жаҳон сиёсатида амалга ошириш ва афсуски, шу ишлари орқали дунё тартиботини белгилаш ва халқаро ҳуқуқни ожиз қолдириш, БМТ ва унинг Хавфсизлик Кенгашидаги вето ҳуқуқи орқали ўзига тегишли бўлган интервенцияни оқлаш,

зиёлилар, олимлар, ёшлар ва талабаларнинг тинчликни кўллаб-қувватлаш бўйича ўтказган тинч намоёишларини куч билан тўхтатиш каби сиёсий узурпация ҳолатлари ва бошқ. – демократиянинг асл мазмунидан узоқлашаётганини англатади. Бу XX аср охири ва XXI аср бошларидаги Европа ва жаҳон тарихига оид АҚШ бошчилигидаги “гуманитар интервенция”ларга ёрқин мисолдир.

Демократия, энди, демократия эмас, агарки буткул ахлоққа қурилмаса – сабаби фақатгина ахлоқ тенгликни таъминлай олади. *Ахлоққа қурилмаган тамойиллар демократик эмас. Ахлоққа қурилмаган қадриятлар демократик эмасдир. Ахлоқсиз демократиянинг ўзи мавжуд эмасдир. Моҳиятан шундайдир. Қоидалар, тамойиллар, қонунлар, ҳуқуқлар ва мажбуриятлар ҳаммага тенг бўлиши керак – бошқача бўлгани, бу асло демократия эмас.* Шу сабабли Монтеस्कье таълимотидаги демократия ҳақидаги хулоса, ҳам сиёсий фан бихеверистик мактабини, ҳамки халқаро сиёсат барча мактабларининг рационал мағзини ташкил этади. У хулоса ушбурдир: “Демократиядаги мўътадилликка бўлган муҳаббат – зарур нарсалар оилам учун, Ватан учун эса ортиб қолганини сарфлайман деган истакни чеклайди ва бу истак орқали ниманидир орттиришни тўхтатади. Ҳокимият берадиган бойликдан фуқаро ўз манфаати йўлида фойдалана олмайди, чунки бу орқали бошқа фуқаролар билан тенг бўлишини тўхтатган бўлар эди. У (ҳокимият) завқ олиб келади, инсон бундан ҳам фойдаланмаслиги керак, чунки бу билан ҳам тенглик бузилган бўлар эди” [16].

Ушбу цитатадаги фуқаро ёки инсон сўзи ўрнига “давлат” сўзини қўйинг ва қайта ўқинг, мана, сизга халқаро тартиб мағзи бўйича сиёсий хулоса, қайсики бу охириги иш ҳам демократияга хизмат қилади.

Шундай қилиб, гўзал ахлоққа қурилган сиёсий фазилат – бу ватан туйғуси, тенглик тамойили, демократик мўътадиллик – бу Монтеस्कье таълимотидаги тинчликка оид илк қонуниятдир. Назаримизда, ҳуқуқ ҳам, қонун ҳам, давлат ҳам ундан келиб чиқиши керак – шунда жамиятда ички барқарорлик, сиёсий ҳокимиятнинг функционалиги ва позитивлиги ва сиёсий институтларнинг инсонга хизмат қилиши таъминланади, халқаро алоқаларда конструктивлик ва ҳаммага маълум ҳалол савдо шаклланади. Халқаро ёки жамоат ҳуқуқи инсон ҳуқуқларидан ўзга нарса бўлмай қолади – бу шубҳасиз, фақатгина таҳсинга сазовордир.

Халқаро муносабатлар инсон ҳуқуқларидан ўзгаси эмас. “Демократик республиканинг демократия теграсига кира олмайдиган шаҳарларни заб этиши ҳам нарсаларнинг табиатига мос келмайди” [17]. Монтеस्कье демократик давлатнинг бошқа демократик бўлмаган давлатни босиб олишини демократиянинг ўзига зид эканлигини кўрсатмоқда – демак, халқаро сиёсатдаги XX аср иккинчи ярмидан сўнг жаҳон сиёсатининг энг қудратли давлатлари томонидан кашф қилинган “гуманитар интервенция” оқланмайди, сабаби бу ерда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, асраш каби замонавий улуғвор ва жарангдор оҳанг кўп ҳолларда оддий сиёсий риторикадан ўзгаси эмас.

Интервенция қандай аталмасин, барибир, интервенциядир – инсон ҳуқуқлари эса бунда (халқаро сиёсатда) – сиёсий этикет сўзидир, холос. Ваҳоланки, демократик давлат, бошқа демократик давлат ёки демократик давлатлар билан урушмайди, деган қоида Г.Киссинжер парадигмасида мустаҳкам ўрин олган бўлса-да, **демократик давлат, умуман, ҳеч ким билан урушмайди, ҳаттоки, демократик бўлмагани билан ҳам, деган янги қоида халқаро ижтимоий фикрда қарор топтириши шартдир, деб ҳисоблаймиз.** Бунинг учун жаҳон олимлари кўпроқ амалий ва абадий тинчлик лойиҳаларини ишлаб чиқишлари керак – И.Кантдан бери фалсафада буни ҳеч ким тўлалигича (система сифатида) қилганича йўқ. Сиёсат фалсафасида эса янги тинчлик моделлари керак.

Энди, Монтеस्कьенинг бир ғоясини таҳлил қилиш жоиз ишдир. У ёзади: “Агар монархия азалий (ўз ота-боболаридан қолган) мулки атрофидаги провинцияларни босиб олиб, бўйсундурилган халқларга ҳам ўзининг асл табаалари каби муносабатда бўлса, давлат нобуд бўлади” – бу интервенцияни оқланмаслигига далилдир.

Монтескьё давом этади: “Босиб олинган провинциялар пойтахтга ўлпон юборади, лекин эвазига ҳеч нарса олмайди; чегара вилоятлари хонавайрон бўлади ва натижада заифлашади, уларнинг аҳолиси душманлик кайфиятига тўлади; натижада у ерда жойлаштирилиши ва ҳаракатланиши керак бўлган қўшинларни сақлаб туриш қийинлашади. Босқинчилик сиёсатини олиб бораётган монархиянинг муқаррар вазияти шундай; пойтахтдаги даҳшатли ҳашамат, чекка провинциялардаги қашшоқлик ва теградаги (перифериядаги, чегарага яқин худудлардаги) тўкин-сочинлик худди бизнинг сайёрамиздаги кабидир: марказда оташ, юзасида яшиллик, ўртасида қақшаган, беҳосил ва қаҳратон ер” [18].

Албатта, Монтескьё ҳам ўз даврининг фарзандидир – у яшаган давр монархиялар куршаган Европадир. Лекин жангу жадалга бой Европа тарихи ҳам ҳеч бир файласуф ўғитларига амал қилмаган, амал қилгани эса худди қадимгиларда бўлган Афлотун ғояси сингари денгизга фарқ бўлган, таназзулга учраган. Атлантикани янгитдан кашф этиш шарт эмас, бироқ Монтескьё таълимотида бир давлатни бошқа давлатни забт этади – ундан кейинги муносабатлар эса гўёки “улуғвор беозорлик (ройишлик) билан бошқариши керак” [19], дейди.

“Забт этиш амалга ошгач, босиб олувчи энди ўлдиришга ҳаққи йўқ, чунки энди у табиий мудофаа ҳолатида эмас ва ўзини асраб қолиш мақсадлари билан ҳаракат қилмайди” [20], дейди Монтескьё. Бу ерда халқаро ҳуқуқнинг илк куртак намуналарини кўришимиз мумкин, лекин ҳалиям маърифатпарварнинг тинчлик максимасига ярайдиган хулосаси йўқ.

Ва ниҳоят, Монтескьё ёзади: “Таназзулга учраётган давлатга қўшни бўлган давлат ҳукмдори ҳеч қачон таназзулни тезлаштиришга урунмаслиги керак” [21] – субъектив фикримизча, буни Монтескьёнинг *иккинчи тинчлик максимаси*, десак, бўлади. Чунки худди шунга ўхшаш максима И.Кант ва бошқа маърифатпарварлар таълимотида ҳам бор. Монтескьё фикрича, ҳужумкор куч халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинади, бу миллатларнинг бир-бири билан йўлга қўйган муносабатлари нуқтаи назаридан кўриб чиқиладиган сиёсий қонунидир. Монтескьё таълимотида табиий мудофаа учун уруш оқланган.

У ёзади: “Давлат ҳаёти инсон ҳаёти кабидир. Инсонлар ўзини ўзи мудофаа қилар экан, табиийки, ўлдириш ҳуқуқига эга бўладилар. Одамлар ўзини ўзи табиий ҳимоя қилишда ўлдириш ҳуқуқига эга; давлатлар ҳам ўзини асраб қолиш учун уруш олиб бориш ҳуқуқига эга” [22].

Монтескьё ушбу “табиий ҳимоя қилиш” ҳуқуқини фақатгина мудофаа шароитидаги зарурат деб қараяпти – “Табиийки, мен ўзимни ўзим мудофаа қилар эканман, ўлдириш ҳуқуқига эгаман, чунки менинг ҳаётим менга тегишли, худди менга ҳужум қилган инсоннинг ҳаёти унга тегишли бўлгани каби; давлат ҳам уруш олиб бориш ҳуқуқига эга, чунки унинг ўзини мудофаа қилиши бошқа ҳар қандай мудофаага тенгдир” [23].

Аслида, инсон ҳаёти муқаддас тушунчадир, албатта, уни ҳаётдан маҳрум қилишга ҳеч ким ҳақли эмас. Бунинг учун қонун бор. Давлатлар ҳам, уруш олиб бориш ҳуқуқига эга эмас, чунки бунинг учун халқаро ҳуқуқ ва ҳозирги XXI аср шароитида халқаро ташкилотлар мавжуд, масалан, давлатлар тенглиги ва суверинетети, озодлигининг кафили бўлган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бор. Монтескьё даврида бундай ўлдиришни ёки урушни оқлайдиган халқаро ҳуқуқ ҳам, халқаро ташкилотлар ҳам мавжуд эмасди – Монтескьё ҳам мавжуд реал сиёсий муносабатлар ва Европа давлатчилиқ бошқаруви тажрибасидан келиб чиққан ва албатта, бизнинг давримизда ўлдириш ҳуқуқи ҳам, уруш олиб бориш ҳуқуқи ҳам ҳар қанақасига оқланмайди ҳам.

Монтескьё ёзади: “Фуқаролар ўртасидаги ўзини ўзи мудофаа қилиш билан боғлиқ табиий ҳуқуқ ҳужум қилиш учун зарурат борлигини англамайди. Ҳужум қилиш ўрнига инсон суд органларига мурожаат қилишлари керак. Шу сабабли инсон ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқидан фақат бундай вазиятга эҳтиёж туғилган қисқа дақиқаларда, агарда у қонунлар ёрдамидан кутса, ҳалок бўлиш хавфи остида қолганда фойдаланиши мумкин” [24].

Буни эса қандай ва нима мезонлар билан белгилаш мумкин – албатта, замонавий давлатчилик курилишида инсон ҳаёти дахлсизлиги ва қатъиян қонун устуворлиги билан таъминлаш мумкин – қонун бор, халқаро ҳуқуқий принциплар мавжуд ва XXI аср ўрта асрлар ёки ундан кейинги давр тарихи эмас, албатта. Инсоннинг табиий ҳуқуқи бўлган яшаш ҳуқуқини биргина фалсафий қараш (таълимот) ёки ҳуқуқий қараш (тизим) билан изоҳлаш мумкин эмас, Монтескьё қилгани каби – бу камлик қилади. Динга ҳам мурожаат қилиш керак, бу ўринда, чунки Монтескьё давригача бўлган фалсафани дин томирлари белгилади ва то абад дин ахлоқнинг ота-онасидир. *Ахлоқ эса азалий тинчликнинг волидасидир*. Демак, тинчлик қонуният сифатида дин, ахлоқ ва табиий ҳуқуқдан сўнг келади – ёки улар билан, ёки уларсиз. Аммо ахлоқсиз бўлган ҳар қандай натижа, хусусан, тинчлик ҳам, тинчлик ҳолати ҳам, асло абадий эмас ва асло аслият қонуни ёки парадигмаси эмасдир.

Монтескьё таълимотида диннинг ўзак-томирларига мурожаат қилмаслик, айрим ўринларда янглиш хулосаларга олиб келган, айниқса, инсон ва унинг жамият сиёсий қонунларида яшаб қолиши ҳақидаги қарашларида “хужумкорлик” ва “забт этиш” ёки “уруш”ни оқлаши каби.

Тўғри, маърифатпарвар фалсафа ва ҳуқуқ тарихига, инсоният тарихига кўп мурожаат қилган – инсон адашувчи, инсоният тарихи кўп ҳолларда шундай адашишлар, хатолар тарихидир, айниқса, сиёсат тарихи оламида. *Наполеон Бонапарт* "Тарих — бу келишилган ёлғонлар тўпламидир", деган эди [25].

Лекин ундан хулоса чиқаришда ва инсон, жамият, цивилизацияни тўғри йўлда, деб баҳолаш учун дин мезонларига, албатта, мурожаат қилиш керак эди. *Деймизки, анъанавий қадриятлар ҳар доимги қадриятлардир, айниқса, сиёсий қадриятлар*. Чунки инсон азалдан диндан паноҳ топган, ишонч ва эътиқод уни қутқарган – энди, деймизки, *соф виждон инсоннинг табиий ҳуқуқидир, яшаш (ҳуқуқи) унинг мезонидир*, лекин бировнинг ҳаёти ёки ҳисобига эмас. Жон Локк фалсафасида эса аксинча, ҳаттоки, сиёсий ҳокимият ҳам, ахлоқ ҳам, бошқарув ҳам диний аҳқомдан бошланган, табиий ҳуқуқ билан давом эттирилган ва жамият турмуш тарзи билан қиёсий таҳлил қилинган. Изоҳлар ва шарҳлар қиёслаганда ойдинлашади. Шу сабабли ҳам Монтескьё тинчлик максималарини унинг таълимотидан ажратиб олиш осон иш эмас. Монтескьё ёзади: “Аммо жамиятга келсак, бу ерда мудофаа билан боғлиқ табиий ҳуқуқ баъзан ўзи билан хужум қилиш заруратини олиб келади. Масалан, маълум бир давлат узоқроқ муддатли тинчликдан фойдаланган ҳолда, давлатининг мустақиллигига хавф туғдираётганини халқ кўрса ва айни лаҳзада хужум қилиш бундай ҳалокатнинг олдини олиш мумкин бўлган ягона восита сифатида кўрилганда” [26].

Буни Монтескьёнинг *учинчи тинчлик максимаси*, десак тўғрироқ бўлади – чунки бу каби ғоялар “Уйғониш даври” Европанинг кўплаб файласуфларида тинчлик ғояси сифатида тақдим этилган. Лекин бу хулоса ҳам замонлар оша бизнинг даврда ҳам оқланмайди ва “давлатнинг мустақиллигига хавф туғдираётган” ҳолатни ҳаётини муҳим манфаатлар йўлида хавф, таҳдид деб қаралади ва бу ҳодисаларни давлатлар ўртасида тартибга соладиган халқаро ҳуқуқ ва дипломатия, дипломатик инструментлар, масалан, сиёсий босим, санкциялар қўллаш, иқтисодий чекловлар қўллаш, ҳисобларни музлатиш, савдо алоқаларни узиш каби геиктисодий чоралар қўллаш кўплаб учрайди ва медиаолам ривожланган цивилизациявий ҳамжамиятда “халқ кўради”, “эшитилади”, миллий ва халқаро ижтимоий фикрда эса тезда ҳар қайси сиёсий ҳолат тез тарқалади ва “билади” ҳам – агарки, Монтескьёнинг бу ғояси оқланса, унда бевосита ҳар қандай агрессия оқланган бўларди, бу инсоннинг, жамиятнинг инсоният бўлиш ҳуқуқларига зиддир. Ҳар қандай агрессия ҳуқуққа зиддир ва инсониятга қаршидир.

Монтескьёнинг яна бир хулосаси максима – қонуният деб аталишга лойиқдир. Монтескьё давлатлар ўртасидаги классик иттифочилик ҳақида сўз юритади ва бир давлатнинг бошқа давлатни забт этишдан сўнг юзага келадиган иккита салбий жиҳатни изоҳлашдан бошлайди:

а) забт этилган давлатни бошқариш учун юборилган губернаторлар ўша аҳолини бошқара олмаслиги;

б) янги қўшиб олинган ҳудудларни мустаҳкамлаш учун у ўзининг азалий мулкларининг ҳарбий ҳимоясини заифлаштириши керак бўлади, дейди.

Монтескьё ёзади: “Давлатларнинг бирида содир бўлган ҳар қандай офат иккаласи учун ҳам умумий офатга айланади; бирининг ички низоси иккинчисига тарқалади. Аксинча, ғолиб давлат тахтни қонуний ҳукмдорга қайтарса, у иттифоқчига эга бўлади; *бу иттифоқчи ғолиб давлатнинг кучини ўз хусусий кучлари билан оширади*” [27].

Демак, ишончли иттифоқчига эга бўлиш давлатнинг қудратини оширишга хизмат қилади ва бу Монтескьёнинг *тўртинчи тинчлик максимаси*, деб баҳоласак, тўғри бўлади.

Умуман олганда, Монтескьё тинчлик ҳақидаги қарашлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, тинчлик бу ҳуқуқдир, ҳуқуқ бўлганда ҳам табиий ҳуқуқдан келиб чиқувчи ва инсон, жамият, халқларнинг заруратидир. Бу эса тегишли тарздаги “Умумжаҳон қонунлар руҳи” билан тартибга солиниши керак, деб ҳисоблаймиз.

#### *Хулоса*

Айтиладики, Монтескьё “Уйғониш даври”нинг энг машҳур шахсларидан биридир. Монтескьё ва Жон Локк қарашлари давлат мафқураси сифатида либерализм асосларини қўйишган. Монтескьё таълимотини италян ҳуқуқшуноси Чезаре Беккариа ва шотланд иқтисодчиси Адам Смит давом эттирган, дейилади. Монтескьё, Жон Локк ва Жан Жак Руссо замонавий вакиллик демократияси асосчилари ҳисобланади. Монтескьё ҳокимиятлар бўлиниши ғоясини ишлаб чиқди – бу эса хоҳлаган замонавий демократик давлат қурилишида мавжуддир. Монтескьёнинг сиёсий ва ҳуқуқий таълимоти АҚШнинг Конституцияси ижодкорларига, Буюк Француз инқилоби даври конституциявий қонунчилигига, 1804 йилги Франция Фуқаролик кодексига бевосита таъсир қилган. Монтескьё, шунингдек, цивилизациянинг ривожланишида жўғрофий ва биологик муҳитнинг катта таъсири ҳақидаги қарашлар тарафдори бўлган Генри Бокл, немис сиёсий жўғрофи Фридрих Ратцел, асли келиб чиқиши рус бўлган швейцариялик жамиятшунос Лев Мечниковлар қаторида туради. Ҳаттоки, иқтисодчи сифатида Монтескьё пулнинг миқдорга (сонга) оид назарияси бобокалони, деб тушунилади – буни Дэвид Юм, Жон Майнард Кейнс, Ирвин Фишер, Милтон Фридман, Артур Пигу каби олимлар ривожлантирди.

Монтескьё сиёсий таълимотида, албатта, сиёсий озодлик асосий қадрият сифатида қаралган – унда табиий ҳуқуқдан келиб чиқувчи шахс эркинлигига ва инсонлар тенглигига устуворлик берилган. Монтескьё ёзади: “Республикада барча инсонлар тенг бўлса, улар деспотик давлатларда ҳам тенг: биринчи ҳолатда уларнинг ҳаммаси борлик(кимдир) бўлса, иккинчида уларнинг ҳаммаси (ҳеч ким) бўлгани учун тенгдир” [28].

Монтескьё “деспотияда тенглик – деспотнинг пошнаси остидадир” [29], деган бўлса, республикада тенглик – сиёсий етакчининг пешонаси устидадир, деган хулосага келиш мумкин.

Умуман олганда, Монтескьё таълимоти барча ижтимоий фанлар сингари сиёсий ва ҳуқуқий фанларда ўрганилиши ва ҳали кўп бора тадқиқот объекти сифатида таҳлил қилиниши лозим, деб ҳисоблаймиз.

**ИҚТИБОСЛАР. REFERENCES. СНОСКИ.**

1. Шарл Луи Монтескьё. Қонунлар руҳи ҳақида. Таржимон: Ҳамид Содик. Тошкент. 2024. 166-бет.
2. Шарл Луи Монтескьё. Қонунлар руҳи ҳақида. Таржимон: Ҳамид Содик. Тошкент. 2024. 228-бет.
3. Шарл Луи Монтескьё. Қонунлар руҳи ҳақида. Таржимон: Ҳамид Содик. Тошкент. 2024. 228-бет.
4. Шарл Луи Монтескьё. Қонунлар руҳи ҳақида. Таржимон: Ҳамид Содик. Тошкент. 2024. 229-бет.
5. Шарл Луи Монтескьё. Қонунлар руҳи ҳақида. Таржимон: Ҳамид Содик. Тошкент. 2024. 227-бет.
6. Шарл Луи Монтескьё. Қонунлар руҳи ҳақида. Таржимон: Ҳамид Содик. Тошкент. 2024. 102-бет.
7. Шарл Луи Монтескьё. Қонунлар руҳи ҳақида. Таржимон: Ҳамид Содик. Тошкент. 2024. 103-бет.
8. Шарл Луи Монтескьё. Қонунлар руҳи ҳақида. Таржимон: Ҳамид Содик. Тошкент. 2024. 103-бет.
9. Шарл Луи Монтескьё. Қонунлар руҳи ҳақида. Таржимон: Ҳамид Содик. Тошкент. 2024. 102-103-бетлар.
10. Шарл Луи Монтескьё. Қонунлар руҳи ҳақида. Таржимон: Ҳамид Содик. Тошкент. 2024. 103-бет.
11. Шарл Луи Монтескьё. Қонунлар руҳи ҳақида. Таржимон: Ҳамид Содик. Тошкент. 2024. 251-бет.
12. Шарл Луи Монтескьё. Қонунлар руҳи ҳақида. Таржимон: Ҳамид Содик. Тошкент. 2024. 254-бет.
13. Шарл Луи Монтескьё. Қонунлар руҳи ҳақида. Таржимон: Ҳамид Содик. Тошкент. 2024. 197-бет.
14. Шарл Луи Монтескьё. Қонунлар руҳи ҳақида. Таржимон: Ҳамид Содик. Тошкент. 2024. 103-бет.
15. Шарл Луи Монтескьё. Қонунлар руҳи ҳақида. Таржимон: Ҳамид Содик. Тошкент. 2024. 103-бет.
16. Шарл Луи Монтескьё. Қонунлар руҳи ҳақида. Таржимон: Ҳамид Содик. Тошкент. 2024. 103-бет.
17. Шарл Луи Монтескьё. Қонунлар руҳи ҳақида. Таржимон: Ҳамид Содик. Тошкент. 2024. 261-бет.
18. Шарл Луи Монтескьё. Қонунлар руҳи ҳақида. Таржимон: Ҳамид Содик. Тошкент. 2024. 265-бет.
19. Шарл Луи Монтескьё. Қонунлар руҳи ҳақида. Таржимон: Ҳамид Содик. Тошкент. 2024. 264-бет.
20. Шарл Луи Монтескьё. Қонунлар руҳи ҳақида. Таржимон: Ҳамид Содик. Тошкент. 2024. 256-бет.
21. Шарл Луи Монтескьё. Қонунлар руҳи ҳақида. Таржимон: Ҳамид Содик. Тошкент. 2024. 252-бет.
22. Шарл Луи Монтескьё. Қонунлар руҳи ҳақида. Таржимон: Ҳамид Содик. Тошкент. 2024. 253-бет.
23. Шарл Луи Монтескьё. Қонунлар руҳи ҳақида. Таржимон: Ҳамид Содик. Тошкент. 2024. 253-бет.

24. Шарл Луи Монтескьё. Қонунлар руҳи ҳақида. Таржимон: Ҳамид Содиқ. Тошкент. 2024. 253-254-бетлар.
25. <https://t.me/centerasiastudy/18791>
26. Шарл Луи Монтескьё. Қонунлар руҳи ҳақида. Таржимон: Ҳамид Содиқ. Тошкент. 2024. 254-бет.
27. Шарл Луи Монтескьё. Қонунлар руҳи ҳақида. Таржимон: Ҳамид Содиқ. Тошкент. 2024. 276-277-бетлар.
28. Шарл Луи Монтескьё. Қонунлар руҳи ҳақида. Таржимон: Ҳамид Содиқ. Тошкент. 2024. 159-бет.
29. Шарл Луи Монтескьё. Қонунлар руҳи ҳақида. Таржимон: Ҳамид Содиқ. Тошкент. 2024. 155-бет.